



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Аدل ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

2025 йил
18 июль,
жума
№ 31
(1065)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖИНИНГ СИЁСИЙ ТАЯНЧИ ВА МАЪНАВИЙ АСОСИ

1991 йил 31 август – ўз тақдирини ўзи белгилашни таллаган мард ва олижаноб халқимизнинг улкан ютуғи сифатида миллий тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан муҳрланган сана. Бу сана – мустақилликка эришган Ўзбекистон учун фақат сиёсий эмас, балки маънавий қайта туғилиш, халқнинг ҳақиқий суверен субъект сифатида жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашга йўл очган тарихий бурилиш нуқтасидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди айни шу ғоялар яна бир бор аниқ ва равшан ифода этилди: “Мустақиллик – Ватанимизнинг халқроқ миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда”.

Мустақиллиқнинг 34 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ҳолда ўтказилиши белгиланди.

Сўнгги саккиз йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар асосида мамлакат ижтимоий ҳаётида том маънодаги юксалиш кузатилди. Бу жараёнлар нафақат иқтисодий ўсиш, балки инсон қадрини улуғлаш, барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш,

уй-жой, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт каби соҳаларда амалга оширилган ислохотлар – мустақиллик шарофати билан шаклланган сиёсий-ҳуқуқий заминнинг амалдаги натижаларидир. Биргина таълим соҳасида охириги йиллардаги ислохотлар сабаб, 2017 йилда мактабгача таълим қамрови 27 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 77 фоизга етди. Олий таълимда қамров 9 фоиздан 42 фоизгача кўтарилди. Ижод мактаблари, Президент мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари каби янги моделдаги мактаблар тизими пайдо бўлди. Бу натижалар – мустақиллик туфайли мамлакат ўз таълим сиёсатини мустақил белгилаш ва амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлганининг исботидир.

Мустақиллик бизга ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларини устувор қадриятга айлантириш имконини берди. Янги таҳрирдаги Конституцияда давлатнинг “ижтимоий характерга” эга экани мустаҳкамлангани ҳам бу сиёсатнинг давомийлигини тасдиқлайди.

Давлат томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, пенсия ва нафақаларни босқичма-босқич ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” каби механизмлар орқали миллионлаб ин-

сонлар манзилли ижтимоий ёрдам билан қамраб олинмоқда.

Шу билан бирга, айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши кўшничлик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқроқ миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент қарориди “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори алоҳида урғу билан тилга олинган. Бу тасодиф эмас. Чунки истиқлолда ўсган авлод бугун янги тараққиёт поғоналарига етаклаётган кучга айланган. Ёшлар учун ИТ билимлари, чет тилларини ўргатиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий университетларда таълим олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Президент ташаббуси билан дунёнинг ТОП-300 олийгоҳларида ўқийдиган талабаларнинг барча харажатлари давлат томонидан қопланиши – бунга яққол мисолдир.

Қолаверса, мустақиллик туфайли соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Замонавий клиника ва марказлар ташкил этилди, тез тиббий ёрдам хизмати,

онкология ва перинатал ёрдам тизимлари қайта ташкил қилинди. Ҳатто чекка ҳудудлардаги аҳоли ҳам давлат тиббий хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Спорт соҳасидаги ютуқлар ҳам истиқлол мевасидир. 2025 йилда футбол бўйича Ўзбекистон миллий ва ўсмирлар терма жамоаларининг жаҳон чемпионатида чиққани, Париж Олимпиадасида спортчиларимиз илк бор кучли ўн бешликка киргани – мустақил давлатнинг яққол ютуғидир. Муҳими, бу каби ижобий ютуқларимизга қўллаб-қувватлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик – бу фақат сиёсий мақом эмас, балки миллатнинг эркин нафас олиши, ўз салоҳиятини юзага чиқариши, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқини қафолатлайдиган тарихий неъматдир.

Президент қарориди белгилаб берилган вазифа ва йўналишлар – мустақиллиқнинг халқимиз ҳаётида қандай улкан аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди. Энди олдинги каби эмас, балки ўз йўли, ўз позицияси, ўз моделига эга давлат сифатида Янги Ўзбекистон истиқлол байроғини юксакларга кўтармоқда.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси.
ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

2025 йил 23 июнь

№ 14

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сонли Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар

киритилсин:
1. 1-бандининг биринчи хатбошидаги “белгиланган тартибда исботлангунга” деган сўзлардан кейин “ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга” деган сўзлар билан тўлдирилсин;
(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

2025 йил 23 июнь

№ 15

Тошкент шаҳри

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Олий суд Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Олий суд Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:


Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми-

нинг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли қарори:
(Давоми 2-бетда) ►

■ Моҳият

Интеллектуал МУЛК ЭГАЛАРИ



Шу маънода, мамлакатимизда фойдали ва саноатда қўлланиладиган ихтиро, селекция ютуқлари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари яратилишини қўллаб-қувватлаш, билим ва инновацияларга асосланган иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишлардан бирига айланган.

Жорий ислохотлар натижасида патент божлари, жумладан, халқаро тизимлар орқали ундирилган инди-видуал бож миқдорлари ўртача 8 баробар камайтирилди. Ихтиро ва фойдали моделларни муҳофаза қилиш учун кичик тадбиркорлик субъекти, олий таълим ва илмий ташкилотларга 25 фоиз миқдорида имтиёз берилди.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Рес-



Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис
Сенати Фан, таълим
ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси раиси

публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун интеллектуал мулк объектларини яратиш, муаллиф, ижодкор, ихтирочиларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.
(Давоми 3-бетда) ►



ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН УЧРАШУВ – ЁШЛАР ҲАРАКАТИ УЧУН СТРАТЕГИК БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Ўзбекистон Президентининг ёшлар билан 30-июнь куни ўтказган самимий ва мазмунли учрашуви бутун мамлакатда порлаётган умидлар, яратилаётган имкониятлар ва ёш авлодга ишончнинг ёрқин ифодаси бўлди.
(Давоми 3-бетда) ►

Мутолаа эҳтиёжи

Аччиқ ўтмишдан ДАРАК БЕРУВЧИ АСАР

Мен Шоҳрух Акбаровнинг ижоди билан яхши танишман. У ҳуқуқшунос сифатида суд тизимида кўп йиллар фаолият юритгани боси ўзбек адабиётида ўта нозик ва мураккаб саналган йўналиш — ҳуқуқ соҳасида самарали ижод қилиб келмоқда.

Ижодкорнинг “Агар дардим баён этсам...”, “Мен ўзбекман” деб номланган асарларини кўплар қатори мен ҳам мароқ билан ўқиб чиққанман. Бу асарларда қаҳрамонлар характери ҳаётнинг зиддиятли ва мураккаб жараёнларида маҳорат билан ёритиб берилганлиги китобхоннинг эътиборини ўзига жалб этади.

(Давоми 4-бетда) ►



Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ,
3-даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси

2024 йил август ойида “Урганч-трансгаз” унитар корхонасининг “Заунгур” магистрал газ қувурлари бошқармасида газ истеъмолини ҳисоблаш бўйича муҳандис вазифасида фаолият юритиб келаётган Аҳмаджон Маткаримовнинг бошига қўйилмаганда ташвиш тушди: у бошқарма бошлиғи Д.Фозиловнинг 2024 йил 13 августдаги буйруғига асосан эзалаб турган лавозимидан озод қилинди.

■ Қонун кўмаги

Ассосиз буйруқ суд томонидан бекор қилинди

Меҳнат шартномаларини бекор қилиш юзасидан бошқармада шакллантирилган комиссия тарафидан А. Маткаримовнинг иш унумдорлиги паст экани хусусида берилган хулоса ҳамда 2024 йил 12 августдаги қасаба уюшмаси йиғилишининг розилик бериш ҳақидаги қарори муҳандисни вазифасидан озод этиш учун асос бўлди.
(Давоми 3-бетда) ►



● Тарих тилсимлари



Сайд АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Тақдир, тақдир, МУНЧА шафқатсизсан?

(«Кўз ёши томган
ҳикоялар» туркумидан)

◀ (Бошланиши ўтган сонда)

Кампир рўмолчага уралган нимандидир менга узатди, очиб қарадим. Фотосуврат. Ниҳоятда моҳир, профессионал фоточи олган лейтенант йигитнинг суврати эди. Гаврюшевнинг ўғли. Прага остонасида ҳалок бўлган. Шунинг мойли бўёқ билан ишлаб берсангиз. Тўрт кундан кейин ўғлининг туғилган куни экан. Поминка қилмоқчи.

— Бўпти, Гаврюшевнинг ҳурмати, албатта, ишлаб бераман, — дедим. Кампир қоғоз халтадаги йигирматача тухумни стол устига қўйди. — Кераги йўқ, олиб кетинг, — дедим қатъий. — Олаверинг, кампирнинг олтимишта товуги, саккизта хўрози бор. Бозорда тухум сотади.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид
жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги
2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄(Бошланиши 1-бетда)
иккинчи хатбошисидаги “суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд томонидан” деган сўзлар “суриштирув, терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва дастлабки тергов органлари ҳамда суд томонидан” деган сўзлар билан алмаштирилсин;
учинчи хатбошисидаги “Суриштирувчи” деган сўз “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи” деган сўзлар билан алмаштирилсин;
тўртинчи хатбошисидаги “Мақбул бўлмаган” деган сўзлар “Номақбул” деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 2-бандининг биринчи хатбошисидаги “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг” деган сўзлар “Суриштирув, терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва дастлабки тергов органлари ҳамда судларнинг” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“далил тегишли субъект, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли шахс томонидан олинган бўлиши.”;

3. Куйидаги мазмундаги **3¹-банд** билан тўлдирилсин:

“3¹. Қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан

ёхуд ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган далил деганда – ЖПК 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлмаган ва Қонуннинг бошқа талаблари бузилган ҳолда олинган ҳар қандай фактик маълумотлар тушунилади.”.

4. 4-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “муружаат келиб тушган ҳолда” деган сўзлардан кейин “терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси,” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 5-бандидаги “ашёларга” деган сўз “ашёлар ва рақамли далилларга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 7-бандининг иккинчи хатбошисидаги “ёзма топшириғисиз” деган сўздан кейин “ёхуд суднинг ажримсиз” деган сўзлар, “орган томонидан” деган сўзлардан кейин “(кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно);” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 9-бандининг

а) кичик банди куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Агар суд кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ЖПК 158¹-моддаси тартибида ўтказилган тинтувни ҳамда ЖПК 169-моддаси тартибида телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришни, улар орқали узатиладиган ахборотни олишни қонунга хилоф равишда амалга оширилган деб топса,

уларни амалга ошириш давомида олинган барча далиллар ЖПКнинг 95¹-моддасига мувофиқ номақбул деб топилади.”;

б) кичик бандидаги “бошқа шахслар” деган сўзлардан кейин “ҳамда вояга етмаган шахслар” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ж) кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“ж) сўроқ юритилаётган тилни (алфавитни) билмайдиган ёки етарлича билмайдиган, шунингдек, кар ёки соқовлиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассиснинг кўрсатувлари таржимон (мутахассис) иштирокисиз, соқов, кар, кўр, жисмоний нуқсони ёки руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг кўрсатувлари таржимон (мутахассис) ҳамда ҳимоячи иштирокисиз олинган бўлса.”;

з) кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“з) вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ кўрсатувлари қонуний вакилининг, гумон қилинувчи, айбланувчи кўрсатувлари ҳимоячи ва қонуний вакилининг (ЖПК 549-550-моддаси), зарур ҳолларда эса, педагог ёки психологнинг иштирокисиз олинган бўлса (ЖПК 554-моддаси);”;

к) кичик бандининг бешин-

чи хатбошисидаги “ташувчи жисмлардаги” деган сўзлардан кейин “электрон” деган сўз билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **н) кичик банд** билан тўлдирилсин:

“н) махсус қабулхоналар, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслардан қонунга хилоф усулларда олинган бўлса.”;

н) кичик банди о) кичик банд деб ҳисоблансин.

8. 10-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“10. Тушунтирилсинки, жиноят тўғрисидаги ариза, хабар билан бирга тақдим этилган хужжатлар, предметлар (нарсалар), электрон маълумотлар, фотосуратлар, аудио-, видеоёзувлар фақат ушбу материаларни тақдим этган шахслар, иш қўзғатилгандан кейин сўроқ қилинган ва тақдим этилган хужжатлар, предметлар (нарсалар), электрон маълумотлар ким томонидан, қачон, қаерда, қандай ҳолатларда топилганлиги ёки фотосурат, аудио-, видеоёзувлар амалга оширилганлиги аниқланган ҳолдагина мақбул далил сифатида фойдаланилиши мумкин. Тақдим этилган предметлар (нарсалар), электрон маълумотларни мақбул далил деб топишнинг зарур шарти уларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённома тузилганидан сўнг чиқариладиган, предметлар (нарсалар), электрон маълумотларни ишга ашёвий, ёзма ва рақамли далил сифатида қўшиш тўғриси-

даги қарор (ажрим)нинг мавжудлиги ҳисобланади. Зарур ҳолларда хужжатлар, предметлар (нарсалар), электрон маълумотлар, фотосуратлар, аудио-, видеоёзувларни ашёвий, ёзма ва рақамли далил сифатида ишга қўшиш масаласини ҳал этиш учун тегишли экспертиза тайинланиши мумкин.”.

9. 11-бандининг биринчи хатбошисидаги “биринчи инстанцияда” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошисидаги “масалан,” деган сўздан кейин “вафот этганлиги, бедарак йўқолганлиги,” деган сўзлар, “чиқиб кетганлиги” деган сўзлардан кейин “, кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилганлиги” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. 12-бандининг биринчи хатбошисидаги “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар” деган сўзлар “суриштирув, терговга қадар текширувни амалга оширувчи ва дастлабки тергов органлари ҳамда судлар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 14-бандининг биринчи хатбошисидаги “мумкин” деган сўз “шарт” деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги “илтимоснома” деган сўздан

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	Б. ИСЛАМОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси	Н. ҲАКИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Олий суд Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄(Бошланиши 1-бетда)
15-бандининг олтинчи хатбошиси олтинчи ва еттинчи хатбошиси деб, куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, ярашиш учун берилган муҳлатни жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муҳлат тугагунга қадар кўришга ҳақли.

Агар аризада шахснинг оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланганлиги асос сифатида кўрсатилиб, бу ҳақда суд ҳужжати тақдим этилса, суд ярашиш учун берилган муҳлатни қисқартиради ва ишни кўришга тайинлайди.

Ярашиш учун берилган муҳлатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.”;

15¹-банд билан тўлдирилсин:

“15¹. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 40-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, суд оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахснинг талабига кўра, ярашиш учун муҳлат тайинламайди.

Никоҳ эркак ва аёлнинг ўзаро биргалиқда яшаш ва оила қуришга қаратилган иттифоқи ҳисобланиши сабабли оилавий (маиший) зўравонлик ҳолати фақатгина эр ёки хотин томонидан содир этилган бўлиши лозимлиги эътиборга олинсин.

Бунда оиланинг бошқа аъзолари томонидан зўравонликка йўл қўйилганлиги ярашиш учун муҳлат тайинламасликка асос бўлмайди.

Ярашиш учун муҳлат тайинламасдан никоҳдан ажратиш ҳақидаги талаб оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахснинг даъво аризасида, шунингдек, суд муҳокамаси давомида тақдим этилган ёзма аризасида кўрсатилиши мумкин.

Оилавий (маиший) зўравонлик деб – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 59²-моддаси ва Жиноят кодексининг 126¹-моддасида назарда тутилган қилмишлар тушунилишига судларнинг эътибори қаратилсин.

Шахснинг оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланганлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёки жиноят иши бўйича чиқарилган суд ҳужжа-

ти билан тасдиқланиши боис, суд бундай ҳолатни текширишда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноий қилмиш юзасидан қонуний кучга кирган суд ҳужжати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши ҳамда уни талаб қилиб олиши лозим.

Муқаддам Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўрисидаги кодексининг 59²-моддаси ва Жиноят кодексининг 126¹-моддасида назарда тутилган қилмиш содир этилгандан сўнг тарафлар оилавий муносабатларни давом эттириб, кейинчалик судга никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ариза билан муружаат қилган ва муддат тайинламасдан никоҳдан ажратиш талабини илгари сурган бўлса, суд эр-хотин бирга яшаган даврида зўравонлик ҳолати қайта содир бўлган-бўлмаганлигини текшириши ва бу ҳолатга бошқа далиллар мажмуи билан баҳо бериши лозим.

Муқаддам Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 59²-моддаси ва Жиноят кодексининг 126¹-моддасида назарда тутилган қилмиш содир этилгандан сўнг тарафлар оилавий муносабатларни

давом эттириб, кейинчалик улардан бири судга никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ариза билан муружаат қилган ва оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган тараф муддат тайинламасдан никоҳдан ажратиш талабини илгари сурган бўлса, суд эр-хотин бирга яшаган даврида зўравонлик ҳолати қайта содир бўлган ёки бўлмаганлигини текшириши ва бу ҳолатга бошқа далиллар мажмуи билан баҳо бериши лозим.

Тушунтирилсинки, арз қилувчига ҳимоя ордери берилганлигининг ўзи тарафларга ярашиш учун муҳлат бермасликка асос бўлмайди.

Бунда судларнинг эътибори ҳимоя ордерининг мавжудлиги оила барбод бўлган деб ҳисоблаш учун етарли асос бўлмаслиги ва мазкур ҳолатга ҳам ишдаги бошқа далиллар мажмуи билан биргалиқда баҳо берилиши лозимлигига қаратилсин”.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарори:

5-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 32-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ, уй ёки квартиранинг мулкдори, унинг оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ва собиқ оила аъзоси ўртасидаги турар жойдан фойдаланиш билан боғлиқ низолар (уйга киритиш, уйдан кўтириш, фойдаланиш тартибини белгилаш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва ҳ.к.) ҳамда қилинган харажатлардаги улуш миқдори ҳақидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

Бунда суд, мулкдорнинг оила аъзолари ва у билан бирга яшаётган фуқаролар турар жойдан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олиб, сарф қилинган харажатлардаги улуш миқдорини уйда яшаётган барча шахсларни инобатга олган ҳолда белгилаши мумкин.

Суд турар жойга мажбурий тартибда киритиш ҳақидаги низоларни ҳал этишда киритилаётган тарафни мулкдорга тегишли мутаносиб шароитларга эга бўлган бошқа турар жойга киритиш ёки ижарага олинган турар жой учун ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклаш масаласини ҳал этишда ижара шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 539

кейин “давлат ва жамоат айбловчилари,” деган сўзлар, “унинг ҳимоячиси” деган сўзлардан кейин “, жамоат ҳимоячиси” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. 16-бандидаги “Апелляция, кассация, тафтиш инстанцияси судининг бу ҳақдаги қарори унинг ажрими (қарори) асослантириш қисмида баён этилади.” деган жумла куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Бундай ҳолатда қўшимча равишда ажрим чиқариш талаб этилмайди. Апелляция, кассация, тафтиш инстанцияси судининг бу ҳақдаги қарори унинг ҳукми, ажрими (қарори)ни асослантириш қисмида баён этилади.”.

13. 17-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“17. Судларга тушунтирилсинки, ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан қайта кўриб чиқилиши мумкин.”.

14. 18-бандининг биринчи хатбошисидаги “суриштирув, тергов олиб бориш” деган сўзлар “суриштирув, терговга қадар текширув ва тергов олиб бориш,” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	Б. ИСЛАМОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси	Н. ҲАКИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	Б. ИСЛАМОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси	Н. ҲАКИМОВА

нинг зиммасига юклашда тарафларнинг келишувга эришганлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Бундай келишувга эришилганлиги тарафлар ўртасида тузилган ёзма келишув битими ёки мулкдор ва киритилаётган шахснинг ёзма аризаларни билан тасдиқланади. Келишувга қандай усулда эришилганлигига қараб суд ишни келишув битимини тасдиқлаб, иш юритишни тугатади ёхуд ҳал қилув қарори қабул қилади.

Турар жойнинг мутаносиб шароитларга эга эканлиги фуқаронинг нормал турмуш кечириши учун етарли бўлган шароитларга (коммунал тармоқларга уланган, санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган ва ҳ.к) мавжудлиги билан баҳоланади.

Суд ижарага олинган турар жой учун ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклаш масаласини ҳал этишда ижара шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 539

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	Б. ИСЛАМОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси	Н. ҲАКИМОВА

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Айтиш керакики, ушбу янги қонун билан 7 та қонун ҳужжатига ахборот технологияларини жорий этиш, айрим турдаги интеллектуал мулк объектлари экспертизаси мuddатини қисқартириш, ортиқча ҳужжатлардан воз кечиш ва интеллектуал мулк эгаларига айрим қулайликлар яратишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу ўринда ушбу қонунни қабул қилиш зарурати ҳақида мухтасар тўхталадиган бўлсак, **биринчидан**, 2024 йилда Ўзбекистон ратификация қилган Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномаси (Сингапур, 2006 йил 27 март) қоидаларига мувофиқ товар белгиларини рўйхатдан ўтказишда электрон шаклдаги талабномалар аъзо давлатлар томонидан қабул қилиниши тўғрисидаги қоида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказишда электрон шаклдаги ҳужжатларни қабул қилишни татбиқ қилиш орқали соҳага халқаро стандартлар жорий этилади.

Иккинчидан, ушбу янги қонун Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “**Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Фармони талаблари доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда товарлар, хизматлар, ихтиро ва ишланмалар айланмасининг тез суръатларда ривожланиши соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишни тақозо этмоқда.

Учинчидан, интеллектуал мулк эгалари, хусусан, ихтирочилар, дизайнерлар, селекторнерлар томонидан яратилган ишланмаларни рўйхатдан ўтказишда айрим қулайликлар бериш зарур. Жумладан, қонунчиликка мувофиқ интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат экспертизаси қарори чиқарилганидан сўнг талабнома берувчи уч ой ичида талабномада ифодаланган объектни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи тўлаши лозим.

Ваҳоланки, амалиётда қайд этилган мuddатда давлат божини узрли ёки бошқа обьектив сабабларга кўра, тўлай олмаган ва бунинг натижасида муҳофаза ҳужжатини – патент ё гувоҳномани олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган талабнома берувчилар мавжуд. Бунга сабаб амалдаги қонунчиликка кўра, қайд этилган ҳолатда талабнома берувчига унинг талабномасини рўйхатдан ўтказиш рад этилади.

■ Муносабат

ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН УЧРАШУВ – ЁШЛАР ҲАРАКАТИ УЧУН СТРАТЕГИК БУРИЛИШ НУҚТАСИ



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган ушбу йирик тадбирда давлатимиз раҳбари бир гуруҳ йигит-қизларга давлат мукофотларини тантанали тарзда топширди. Учрашув давомида эса, энг долзарб мавзуларга – ёшларнинг таълими, бандлиги, инновацион салоҳияти ва келажақдаги иштирокига алоҳида ургу берилди.

“Ҳар қандай халқ, ҳар қандай давлат бизга ҳавас қилса арзийди – чуқни бизда илмми, ғайратли, ақл-заковатли ёшлар бор!” – деди Президентимиз.

Бугун Ўзбекистон ёшлари ўз салоҳияти билан нафақат мамлакатда, балки бутун дунёда тан олинмоқда. Айни пайтда 30 нафар юрдошимиз дунёнинг – Топ-10 олийгоҳида, 500 нафари – Топ-100 талиқда, 1500 нафари эса, Топ-300 даражасидаги олийгоҳларда таҳсил олмақда. Бу – давлатимиз олиб бораётган таълим сиёсатининг амалий самарасидир.


Президентимиз таъкидлаганидек, **илм – тарбия – ин-**

Шу сабабли янги қонун билан давлат божини тўлаш мuddати ўтказиб юборилган ҳолатда қўшимча давлат божи эвазига мuddатни узайтириш имкони берилмоқда.

Маълумки, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, сифатли таълим олиши учун барча шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Лекин сўнгги йилларда юртимизда вояга етмаган болаларга ноқонуний диний сабоқ бериш ҳолатлари ортиб бормоқда. Бинобарин, бола ҳуқуқла-

■ Моҳият



рининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, болаларнинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун барча шароитларни яратиш мақсадида, ушбу янги қонун билан Жиноят кодексига уларнинг билим олиш ҳуқуқини янада мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча киритилмоқда. Хусусан, Жиноят кодексининг 229²-моддасига киритилаётган қўшимчага кўра, махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз вояга етмаган шахсга диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек, вояга етмаган шахсга хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш, жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳамда илм-фан ва илмий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш, Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш мақсадида кенг қамровли ишлар

олиб борилаётгани маълум. Бу борада интеллектуал мулк йўналиши ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, 2019 йилдан бугунги кунга қадар интеллектуал мулкка оид 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирга қадар улардан 50 га яқини қабул қилинган. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши натижасида ЖСТнинг ТРИПС битими қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш 90 фоизга етказилди.

Бу борадаги ислохотлар самаралари халқаро миқёсда ҳам эътироф этил-

ди. АҚШ Савдо вакиллигининг 2024 йил учун эълон қилинган 301-махсус ҳисоботида (Special 301 Report) Ўзбекистон илк бор 24 йил ичида “интеллектуал мулк ҳуқуқлари етарли ва самарали ҳимоя қилинмайдиган давлатлар” рўйхатидан чиқарилди.

Соҳадаги эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ўз ечимини қутаётган айрим масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, миллий қонунчиликда белгиланган интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмлари ЖСТнинг ТРИПС битими талабларига мос келмайди.

ЖСТнинг ТРИПС битими 61-моддасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, шунингдек, битимнинг 46-моддасида товар белгисидан ноқонуний равишда фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йўқ қилиш назарда тутилган.

Бу борадаги хорижий тажриба шуни кўрсатадики, Германия ва Грузияда интеллектуал мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бузганлик учун — 5 йилгача, Қозоғистонда — 6 йилгача, Хитой ва Францияда 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Шу каби контрафакт маҳсулотлар қайта муомалaga киритилишининг олдини олиш мақсадида АҚШ, Хитой, Германия, Қозоғистон, Россия

ва бошқа давлатларда контрафакт маҳсулотларни тўғридан-тўғри йўқ қилиш механизми жорий қилинган.

Шунингдек, охирги беш йилда тадбиркорлик фаолиятида интеллектуал мулкдан фойдаланиш кўламининг йилдан-йилга ортиб бориши, мамлакатда халқаро бренд ва дастурий таъминотлар кўпайиши интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада қучайтиришни талаб этмоқда.

Бундан ташқари қонунчиликда товар белгиси, ихтиро, дастурий таъминотга доир ҳуқуқларни бузганлик учун мавжуд жазо чораларининг енгиллиги ва жиноий жавобгарлик назарда тутилмаганлиги ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини самарали амалга ошириш имконини бермаяпти.

Шу нуқтаи назардан, сенаторлар томонидан маъқулланган қонуннинг асосий мақсади бундай муаммоларни бартараф этишга ва миллий қонунчиликни ушбу йўналишдаги халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштиришга қаратилган. Қонунда қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- интеллектуал мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда;
- муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари қучайтирилиб, бу борада жавобгарликка сабаб бўладиган интеллектуал мулк объектлари доираси кенгайтирилмоқда;
- товар белгиси бўйича ишлаб чиқарилган контрафакт маҳсулотлар ҳуқуқбузар ҳисобидан муомаладан олиб қўйилиши ва йўқ қилиниши назарда тутилмоқда;
- интеллектуал мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий жазо қилиш механизми янада қучайтирилиб, бу борада жавобгарликка сабаб бўладиган интеллектуал мулк объектлари доираси кенгайтирилмоқда;
- товар белгиси бўйича ишлаб чиқарилган контрафакт маҳсулотлар ҳуқуқбузар ҳисобидан муомаладан олиб қўйилиши ва йўқ қилиниши назарда тутилмоқда;
- муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун маъмурий жарима миқдори оширилмоқда;
- селекция ютуғига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик киритилмоқда;
- патентга оид (ихтиро, фойдала модели, саноат ноҳияси ва селекция ютуғи) ҳуқуқбузарликлар содир этишда фойдаланилган ашёларни мусодара қилиш қўшимча маъмурий жазо чораси сифатида киритилмоқда;
- адлия органларига контрафакт товарларни кўздан кечириш ва хатлаш ваколатлари юклатилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ва инновацион жиҳатдан юксалишига самарали таъсир кўрсатувчи интеллектуал мулк тизимини такомиллаштиришга, жамиятда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга ҳамда интеллектуал мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ёрланади. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун алоҳида квоталар ажратилади. “Гарвардчилар” мактабининг ташкил этилиши — дунёдаги энг кучли олий таълим муассасаларига тайёрлаш бўйича илк миллий моделидир.

Бугунги ислохотлар замирида шунчаки рақамлар, статистикалар эмас, балки ҳар бир йигит-қизнинг тақдири, орзуси, ишончи турибди. Ҳар бир ташаббус, ҳар бир фармон, ҳар бир лойиҳа ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган. Ўзбекистон бугун жаҳон миқёсда ёшлар сиёсатида етакчиликка интилмоқда – БМТ томонидан эътироф этилгани, халқаро фестивал ва форумлар, янги мактаблар, замонавий грантлар бунга ёрқин мисолдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшларга қарата айтган сўзлари – ёшлар сиёсатининг стратегик курсидир: “Ҳар бир маҳалладаги ҳар бир ёш ҳар куни ўзгаришларни ҳис қилиши керак. Шунда уюшмаган ёшлар деган тушунча ўз-ўзидан йўқолади.”

Ёшлар — бу мамлакатнинг бугуни ҳам, эртанги куни ҳам. Энди улар сиёсат объекти эмас – субъекти, инновацион ўзгаришлар муаллифи, ислохотларнинг энг фаол иштирокчилари — эртанги кун эгаларидир.

Асилбек МҶМИНОВ,
Тошкент Давлат юридик университети ўқитувчиси, АҚШнинг Пенсильвания давлат университети магистратура битирувчиси
Шоира АЛАМОНОВА,
Тошкент Давлат юридик университети ўқитувчиси, Буюк Британиянинг Шеффилд университети магистратура битирувчиси



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бу жараёнда А.Маткаримов ва яна 2 нафар ходимга улар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 2-бандига асосан, икки ойдан сўнг бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш хати ҳам берилди. Огоҳлантириш хатида ходимларни ишдан озод қилиш “Ўзтрансгаз” акционерлик жамиятининг 2024 йил 8 майдаги ҳамда “Урганчтрансгаз” унитар корхонасининг 2024 йил 10 майдаги буйруқларига асосан амалга оширилаётгани қайд этилди.

Айни ҳужжатларнинг бари қонун талаблари асосида расмийлаштирилди. Бироқ одамзод қалбида ҳақиқат ва адолатга ташналик ҳисси ҳам борки, бу туйғу ўз хизмат вазифасидан озод қилинган А.Маткаримовнинг қалбини ҳам жунбушга солди. Ҳақиқат ва адолатни суд даргоҳидан излади.

Дастлабки босқич суди унинг бу борадаги талабини қисман қаноатлантирди. Аммо бу ҳолат даъвогарни ҳам, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган Хива туман камбағаллиқни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимини ҳам қаноатлантирмади.

Шу боис туман камбағаллиқни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ишсиз қолган фуқаро номидан юқори босқич судига мурожажат қилиб, даъвогарни хизмат вазифасига қайта тиклаш, мажбурий ишсизлик даври учун тегишли миқорда иш ҳақи ундириш ва 30 миллион сўмлик маънавий зарарни қоплаш талабини тақороран илгари сурди. Вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича апелляция ҳайъати масалани судлар мустақиллиги принципига қатъий риоя этиб, ҳавола қилинган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига суянган ҳолда қўриб чиқди.

Хусусан, Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги “**Меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида**”ги қарорига кўра, судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозим.

Айни шундай ўрганишлар асносида А.Маткаримов олий маълумотга, етарли малака ва иш тажрибаси ҳамда тегишли сертификатга эга экани ҳақидаги факт ва далилларга алоҳида эътибор қаратилди. Ходимнинг кейинги даврдаги фаолияти, ўз касбига лаёқати, билим-малака даражаси Меҳнат кодексининг 369-моддаси талабларига асосан сичиклаб ўрганилди.

Айни жараёнда иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида масаланинг бу жиҳатини, яъни А.Маткаримов Тошкент кимё ва технология институтининг нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси мутахассислиги бўйича тугаллаб, олий маълумотга эга бўлгани, ўз касби бўйича 13 йилдан буён узлуқсиз меҳнат қилиб келаётганини инобатга олмагани маълум бўлди. Бу ҳолат ходимнинг касбий меҳнати ва билимини баҳолаш чоғида, айниқса, янада аниқ кўзга ташланди.

Гап шундаки, А.Маткаримов газ сизиб чиқишини аниқлашда ишлатиладиган “JL-269” мосламаси ва ма-

софавий лазерли газ сизиб чиқишини аниқловчи мобил автолаборатория ёрдамида ишлай олиш лаёқати қониқарсиз баҳоланган. Ваҳоланки, иш берувчи тарафидан 2023 йил 25, 26, 27, 28, 29, 30 март ҳамда 1, 4 апрель кунлари тузилган далолатномаларда муҳандис А.Маткаримов “JL-269” русумли ускунаси ёрдамида газ сизиб чиқиши ҳолатларини тўғри аниқлагани расман қайд этилган.

Апелляция суди жараёнида А.Маткаримовга нисбатан йўл қўйилган ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг бошқа жиҳатлари ҳам юзага қалқиб чиқди. Хусусан, унинг компьютер техникаси билан эркин ишлай олиш салоҳияти йўқ экани ҳақидаги даъво соҳа мутахассисини жалб қилган ҳолда аниқланмаган, шу ҳақда бир-бир-ҳужжат расмийлаштирилмаган экан.

Бунинг устига стандарт меъёрлари асосида ишлаш лаёқати ходимнинг хизмат йўриқномасида қайд этилмаган бўлса-да, уни бу борадаги талабни бажармаганлиқда айблагани аниқланди. Ходимнинг бошқарма ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш борасидаги фаолияти ҳам “йўқ”қа чиқарилган. Мутасаддилар бу ҳолатни ходимнинг меҳнат унумдорлиги пастлигига йўйишган.

Меҳнат кодексининг 396-моддасига кўра, ходимнинг корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилмаслигини малака ва меҳнат унумдорлиги сифатида баҳолаб бўлмайди. Судлов ҳайъати бу айбни ҳам асоссиз, деб топди.

Айни пайтда даъвогар — “Урганчтрансгаз” унитар корхонаси томонидан 2024 йил 15 январда тасдиқланган раҳбар ва муҳандис-техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича билимларини синовдан ўтказиш саволиномаси ювасидан ўтказилган синовдан муваффақиятли ўтганлиги инобатга олинди.

Суд юқоридаги ҳолатларни назарда тутар экан, А.Маткаримов билан тузилган меҳнат шартномаси қонуний асосларда бекор қилинганини исботловчи далиллар тақдим этилмагани, Меҳнат кодексининг 174-моддаси саккинзинчи қисмига асосан, низоларни қўриб чиқиш чоғида меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини исботлаш иш берувчининг зиммасида эканини алоҳида ургулади.

Апелляция ҳайъати ишни қўриш жараёнида апелляция шикоятини қисман қаноатлантириш ва фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро судининг 2024 йил 29 ноябрдаги ҳал қилув қарорини қисман бекор қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади.

Ишни қўриш якунида чиқарилган ажримга мувофиқ, “Занунгур” магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлигининг Аҳмаджон Маткаримов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғи ғайриқонуний деб топилди. Даъвогар 2024 йил 13 августдан эътиборан муқаддас адо этиб келган вазифасига қайта тикланди.

Айни пайтда “Урганчтрансгаз” унитар корхонаси зиммасига А.Маткаримов мажбуран бекор юрган даври учун унга жами 51,1 миллион сўм иш ҳақи ҳамда 10,5 миллион сўмлик маънавий зарарни қоплаш мажбурияти юклатилди. Шундай қилиб, ишдан ноҳақ бўшатилган бир инсон бошидан ғусса кўланкаси ариди. У энди адолат кўргонидан нажот топганидан хурсанд. Муҳими шу.

Жамолиддин ҚУРИЁЗОВ,
Хоразм вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Портретни айтган муддат-да битказдим. Кампир келди. Кўлтигида ниҳоятда чиройли бир бабақ хўроз бор эди.

— Э, қўйинг, олмайман. Мен эрингиздан кўп яхшиликлар кўрганман. Ҳақ олсам, уят бўлади-я.

— Э, болам. — деди у кулиб. — Хўрозим кўпайиб кетаяпти. Уларни нима қиламан. Тухум қилмаса, бу олифталар кимга керак. Барибир бозорга опчиқиб сотвораман. Яхшиси, сен шўрвага бос бу гўдайган уха-жёрни...

Кўлтигимда хўроз билан зонага келдим. Кутубхона олдидаги кичкинагина гулзор биқинида хўроз учун катак ясадим. У жуда фаол хўрозлардан экан. Товуқларини соғинди, шекилли, эр-талабгача етти-саккиз марта қичқирди. Узоқ-яқиндан бошқа хўрозлар унга жавоб қайтаришди. Ташқарига чиқсам, маҳбуслар ҳам ҳовлига чиқиб, хўроз қичқиришини эшитиб ўтиришган экан. Шу биргина хўроз уларга қадрдон қишлоқларини, оидин кечаларни эслатиб, уйқуларини қочирган экан.

Маҳбуслар хўрозни жуда эркалатиб юборишди. Уни катакдан чиқариб юборишим билан бараклар олдида маҳбуслар ташлаган ушоқларни териб ер, кечалари эса, уларнинг уйқусини қочириб саҳаргача қичқиради.

Душанба куни кечкурун лагер ола-тўполон бўлиб кетди. Соат тўққиз бўлди, ҳалигача саккизинчи шахтага ишга



чиққан маҳбуслар қайтиб келмаяпти.

Бошлиқлар, гарнизон коммандирлари зонада асабий бир ҳолатда бир-бирларига гап маъқуллардилар.

Қандайдир бир жиддий, кўнгилсиз воқеа юз берганга ўхшайди. Зонага қайтиб келганларнинг ҳаммасини сафга тизишди. Ошпазларни ҳам, касалхона врачларию санитарларни, новвойхонадагиларни ҳам ҳайдаб чиқиб, сафга тиздилар. Шошилмай, бирма-бир санадилар. Яна санадилар. Етти марта санадилар. Бир маҳбус кам чиқаверди. Маҳбусларнинг ҳаммасини битта қолдирмай баракларга тикишди. Эшик олдида қўйилган соқчилар, назоратчилар уларнинг исми, фамилиясини, рақамини ёзиб, битталаб чиқара бошладилар. Уч соат давом этган бу «тадбир»дан кейин рўйхатни штабга опчиқиб кетдилар. Штабдаги рўйхатга солиштириб, икки соатдан кўпроқ уриниб, ғойиб бўлган маҳбус Норқобил Аъламов деган шахс экани аниқ бўлди.

Саккизинчи шахтадан бригадани кечаси соат иккилар-

да олиб келишди.

Лагер бошлиғи ҳам ўша тун ухламади. Папирос устига папирос чекади. Тонгга яқин хўрозимиз чўзиб-чўзиб қичқирди. Унинг товушидан ғазабга келган бошлиқ ер тепиб бақирди.

— Хўроз боқишга ким рухсат берди? Йўқотинглар, ҳозирок йўқотинглар бу хўрозни.

Демянов қувиб юриб хўрозни тутиб келди. Бошлиқнинг оёғи остида хўрознинг танасини кирза этиги билан босиб бўзига пичоқ тортиб юборди-ю, кийимига қон сачратмаслик учун ҳали жони узилмаган жонворни қўйиб юборди. Хўроз тапирлаб, ердан ярим метр баландликка икки-уч марта сап-чиб, жон берди.

Маҳбусларга уйларини, қишлоқларини, бола-чақаларини эслатиб, ҳар оқшом, ҳар саҳар қичқирадиган хўроз уларнинг кўзлари олдида қонга беланиб жон берди.

— Барибир қўлга тушади бу нацмен, — деди Демянов қўлига сачраган қонни ирқит даструмоли билан артаркан. — Бу чўллардан биронта

маҳбус қочиб қутулмаган.

Лекин Норқобил тутиб бўлмайдиган, қўлга тушмайдиган бўлиб қочган эди.

Кончилар посёлкасида маҳбуслик муддатини ўтаб бўлган, беш йиллик сургун жазосини ўтаётган собиқ маҳбуслар ҳам яшардилар. Уларга бошқа томонларга бориб ишлашга рухсат йўқ эди. Улар ҳам конда ишлашга мажбур эдилар. Улар орасида Норқобилнинг дўстлари кўп эди. Улар конга махсус гувоҳнома билан кириб ишлардилар.

Ўтган сешанба куни саккизинчи шахтада ишлайдиган дўсти унинг рақамланган кийимларини кийиб, маҳбуслар билан зонага келади. У беш кун маҳбуслар билан ишга бориб келаверади. У душанба куни ишга келганда яшириб қўйган ўз кийимларини кийиб рухсатномаси билан шахтадан чиқиб кетади.

Норқобил эса, дўстлари тайёрлаб қўйган гражддан кийими билан, улар тўплаб берган анчагина пул билан, суврати ёпиштирилган, ҳақиқийлигига ҳеч ким шубҳа қилмайдиган қалбаки

ХОТИМА

Қамоқдан бўшаган кунимдан бир ҳафта аввал Демяновнинг унвони оширилди. Зонага погониди битта юлдуз билан кириб келди.

Қадрдон Тошкентимга эсон-омон етиб келдим. Вайрон бўлган рўзгоримни тикладим. Фарзанд кўрдим. Қатор-қатор китобларим чиқди. «Халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлдим.

Ҳовлида ўтирган эдим. Эшик кўнгирағи жиринглади. Чиқиб эшикни очдим. Остонада болалик «ўртоғим» Ҳамид Азизов турарди. У бағрига босиб кўришмоқчи бўлди. Орқага чекиндим. У жуда ноқулай аҳволда қолди. Тутила-тутила, тўй қилаётганини, тўйга тақлифнома олиб келганини айтди. Хўп, хайр, дедиму эшикни бекитиб, ичкарига кириб кетдим. У ҳайрону лол, серрайганча қолди. У берган таклиф қозонини ўқимай, гижимлаб, йўлақдаги ахлат челагига ташладим.

2000 йил, май


Мутолаа эҳтиёжи

Аччиқ ўтмишдан ДАРАК БЕРУВЧИ АСАР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Муаллифнинг “Зулмат қаъридаги юлдузлар” деб номланган тарихий-ҳужжатли романи ўтган асрнинг 30-йилларида, собиқ шўро даврида Ўзбекистонда юз берган қатагонларнинг даҳшатли воқеалари таҳлилига бағишланган.

Мен бу асарни қўлёзма ҳолида ўқиб чиқдим. Асардаги воқеаларга шунчалик киришиб кетдимки, кўнглимда нафрат уйғонди, мустабид тузим манфаатида инсон қадрини ваҳшийларча топталиши, адолат ва қонун устуворлиги йўлида курашган матонатли ватандошларимизнинг аччиқ қисмати кўз ўнгингизда намоён бўлади.



Ушбу асар Наманган шаҳрида туғилиб ўсган, Москва давлат университети имтиёзли диплом билан тамомлаган, истеъдодли ҳуқуқшунос Муҳаммад Мўминовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

У Москвада ўқиш жараёнида университетда таҳсил олаётган, партия ва давлат арбоблари бўлмиш Давлат Ризаев, Усмонхон Эшонхўжаевлар билан дўстлашди. Ўқишни битиргач, дастлаб Тошкент вилояти суди судьяси, сўнг Ўзбекистон Олий суди судьяси сифатида фаолият юритган. Ўтган асрнинг 30-йилларида Самарқандда ташкил этилган, сўнг Тошкентга кўчирилган Совет қурилиши ва ҳуқуқ институтига директор этиб тайинланган. У институтда Хадича Сулаймонова, Отабой Эшонов сингари ёш талабаларга жиноят ҳуқуқи фанидан сабоқ бериш билан бирга “**Давлат ва ҳуқуқ жаҳасида**” деб номланган илмий асар ёзади, бундан ташқари турли дарсликларни таржима қилиш, луғатлар чоп эттириш билан ҳам фаол шуғулланади.

1934 йилнинг иккинчи ярмида ВКП(б)нинг “Партияда тозалаш ўтказиш тўғрисида” деб номланган қарори қабул қилинган ва ушбу ҳужжатда барча партия ташкилотларида мажлислар ўтказилиши ва ҳар бир партия аъзосининг фаолиятини чуқур ўрганиш ва муҳокама қилиш, у ёки бу партия аъзосида жиддий хато ва камчиликлар аниқлангудай бўлса, уларни партия сафидан чиқариш масаласи кескин тарзда қўйилади.

Уша пайтда Совет қурилиши ва ҳуқуқ институти партия ташкилотиде ҳам партиявий тозалаш йўналишида партия аъзолари бирма-бир элакдан ўтказилади. Навбат М.Мўминовга келганда, ундан сал кейинроқ Москва давлат университети томоғлаган ва М.Мўминовнинг таклифи билан институтда ўқи-

тувчилик қилаётган айрим кимсалар сўзга чиқиб, туҳмат қилишади. Ўғни улар М.Мўминов Москвада ўқиётганда Троцкийча намоишда иштирок этганини, бунинг учун университет партия ташкилоти мажлисида қатъий огоҳлантирилганини маълум қилади. Бунинг оқибатида М.Мўминов партиядан ўчирилиб, ишдан бўшатилади.

Фақат М.Мўминов Марказқўмга мурожаат қилгач, партия сафига қайта тикланади, аммо ишига тиклана олмайди. 1937 йилда эса, у тўқиб чиқарилган айб билан НКВД томонидан ҳибсга олинади ва иккинчи марта партиядан ўчирилади.

У НКВД ходимлари томонидан қийноқларга солинганга қарамай ўзига қўйилган айбларнинг биронтасига ҳам иқдор бўлмайди. Бирон-бир айбини тасдиқловчи далиллар топа олмаган НКВД ходимлари ўта қабиҳ йўлга ўтишади: улар М.Мўминовнинг номидан ўзини ва дўстларини фош қилувчи иқдорлик кўргазмасини ўзлари ёзишади. Сўнг М.Мўминовнинг томирига махсус дори юбориб, беҳуш ҳолга келтирилгач, сохта иқдорномага имзо қўйдириб олишади. Бунинг устига М.Мўминовнинг турмуш ўртоғи ва укасини ҳам қамоққа олишади.

Хуллас, ана шундай ваҳшиёна усуллар билан унинг иродасини синдиришади ва у охир-оқибат отувга ҳукм қилинади.

Акмал Икромов ҳибсга олингач, унинг ўрнига Марказқўм биринчи қотиб-лигига сайланган Усмон Юсупов НКВД ходимларининг кирдикорларини қайд этиб, Сталин номига хат ёзганидан сўнг М.Мўминовни тергов қилган Леонов-Немировский —олий жазога, Агабеков эса, беш йилга озодлиқдан маҳрум қилишга ҳукм қилинади.



Усмон Юсупов хатидан сўнг М.Мўминовнинг хотини озодликка чиқади ва болалар уйига берилган икки нафар фарзандини қайтариб олади. Сталин вафотидан сўнг қатагон қурбонларининг ишини қайта кўриш бошланганда. Қилором Юсупова эрини оқлашсин сўраб, юқори идораларга мурожаат қилади. 1958 йилда Муҳаммад Мўминов оқланади.

М.Мўминов сингари фидойи юртдошларимиз мустабид тузум даврида бошидан кечирган мудҳиш воқеалар муаллиф томонидан таъсирчан тарзда ҳаққоний ёритиб берилган.

Ушбу китобни ўқиган кинитобх мустабид тузумнинг кирдикорларига, инсон тақдирига қилинган зулм ва ноҳақликларга гувоҳ бўлади.

23 ёшли Алексей Х. муқаддам “қўли эгрилиги” учун жиноий жавобгарликка тортилганди. Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Нега деганда, у шу йил 27 май куни, тахминан, 16³⁰ ларда Миробод тумани, Афросиёб кўчаси ҳудудиде жойлашган кўп қаватли уйлардан бирининг йўлагига кириб, қаровсиз қолдирилган велосипедни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Бу қилмиши билан у велосипед эгасига 7.622.808 сўм миқдорда моддий зарар етказган.



Уша куни Алексей Х. ярим тунда Яккасарой тумани Бобур кўчасидаги хонадонлардан бирининг олдида турган 2.000.000 сўмлик велосипедни ҳам яширинча ўғирлаб кетган. Бу ҳам етмагандек, у жиноий ҳаракатларини 28 май куни ҳам давом эттирган: Сафдош кўчасидаги хонадон олдида суяб қўйилган Ф.Хамроевга тегишли 1.900.000 сўмлик велосипедни ҳайдаб, кўздан ғойиб бўлган.

Буни қарангки, ҳеч нарсадан тап тортиб қўйган Алексей Х. Кичик Бешёғоч кўчасида С.Фитисовга тегишли, бахоси 2.400.000 сўмлик велосипедга ҳам ўзбошимчалик билан “эгаллик” қилган.

“Ови” бароридан келаётган Алексей Х. яна жиноятга қўл уради: У 28 майдан 29 майга ўтар кечаси Чилонзор тумани Чарх Камолон кўчасида қаровсиз қолдирилган велосипедни ҳайдаганча қочиб қолган. Шунингдек, у 30 май куни Шота Руставели кўчасидаги болалар майдончасида турган нархи 1.000.000 сўмлик велосипедни ҳам ўғирлаб “куён” бўлган. Алексей Х. жиноий фаолиятини яна давом этти-

риб, 1 июнь куни “Космонавтлар” метросига кириш йўлагиде турган М.Элмуродовга тегишли 1.500.000 сўмлик велосипедни ҳам ўғирлаб кетган. Унинг навбатдаги “манзили” Нукус кўчасидаги кўп қаватли уйга қаратилади. Жорий йилнинг 3 июнь куни Алексей Х. 1.500.000 сўмлик велосипедни миниб, “ови” ўнгидан келганидан хурсанд бўлиб, ортига қайтган.

Албатта, унинг бу жиноий қилмиши узоққа чўзилмади, охир-оқибат қўлга тушди. Суд мажлисида судланувчи Алексей Х. айбига тўлиқ иқдорлик билдирди. Ўғирлаган велосипедларни номаълум шахсларга сотиб, пулини шахсий эҳтиёжларига сарфлаганини тан олди.

Суднинг ҳукми билан унга 5 йил 1 ой муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

“Ов”га чиқиб, унинг орттиргани шу бўлди. Энди қилмишидан оқилона хулоса чиқариб олса, ажаб эмас.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яккасарой тумани
суди судьяси

Жиноятга жазо муқаррар

ИЧКИЛИК КАСРИ

маъмурий жавобгарликка сабаб бўлди

Бу ҳаётда баъзан ўйламай гапириш, кимнингдир шаънини таҳқирлаш қўлланмаган ташвишларни келтириб чиқаради.

Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, риштонлик Ҳамиджон Бозорбоев (исм-шарифлар ўзгартирилди) айни пайтда 45 ёшда. Уч нафар фарзанднинг отаси. Бироқ у ханузгача “ичкилик” дея аталмиш иллатдан воз кечолмаган. Оқибатда оиласида тинчлик йўқ, кунда-кунора жанжал. Унинг бундай хурмача қилиқларидан қўшнилари ҳам аллақачон безор бўлишган.

Жорий йилнинг 6 январь куни ҳам Ҳ.Бозорбоев хурмачаси тўлганча ичиб, буткул маст бўлиб қолади. Сўнг соат 22³⁰ларда уйига келиб, хотини билан жанжаллашади.

— Бақириб-чақириб, қўшниларнинг ҳам тинчини бузаяпсиз, дадаси. Уйга кириб, ухланг, — дея хотини Д.Ниёзова уни тартибга қақиради.

Аммо Ҳ.Бозорбоев аёлининг гапига қўлоқ солмайди. Аксинча, уни баттар ҳақорат қилади. Бу ҳам етмагандек, у хотинига қўл кўтариб, тан жароҳати ҳам етказди.

Ҳ.Бозорбоевнинг ҳовлисидеги тўс-тўполон қўшниси Даврон Бегматовнинг ҳам тинчини бузди. Бинобарин, у асабийлашиб кўчага чиқади. Шунда у уйдаги жанжалдан қочиб, дарвоза олдида йиғлаб ўтирган қўшнанинг болаларига қўзи тушиб, баттар тутакиб кетади. Оқибатда ўзини босолмай қўшнанининг уйига кириб боради.

— Бу қилиқларинг билан ҳамманинг жонига тегинг, — дейди у жаҳл устида.

— Сен кимсан?! — дейди Ҳ.Бозорбоев ҳам баттар жазавага тушиб. — Нега менинг ишимга аралашаясан?

У қўшнисини ҳақорат қилганча, қўл кўтаради. Даврон Бегматов ҳам қараб турмайди, уни уриб, енгил тан жароҳати етказди. Шундан сўнг қўшнилар хабар беришгач, ИИБ ходимлари келиб, Ҳ.Бозорбоевни олиб кетишади. Оқибатда унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59²-моддаси 2-қисми ва 194-моддаси 1-қисми, Д.Бегматовга эса, кодекснинг 52-моддаси 2-қисми билан маъмурий иш қўзғатилади.

Шу ўринда яна бир мисолга эътибор қаратсак, туманинг Воҳим маҳалласида яшайдиган С.Умаров ҳам 2024 йил 25 декабрь куни арзимайдиган келишмовчилик туфайли хотини Шоҳиста Умарова билан тортишиб қолади.

Гап шундаки, ўша куни Ш.Умарова отасининг уйига бориш учун эридан рухсат сўрайди. Кечки

пайт эса, поччаси Жаҳонгир Эрматов автомашинасида уларни олиб келиб қўяди.

Шундан сўнг оқшом маст ҳолда уйига қайтган С.Умаров аёли ва болаларини божаси автомашинасида олиб келганини эшитиб, қўтимлаганда жанжал кўтаради. Хотинини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилади. Бунинг оқибатида Ш.Умарова фарзандлари билан бирга яна отасининг уйига аразлаб кетади. Орадан бир ҳафта ўтгач, 2025 йил 1 январь куни қайноғалари Исомжон ва Илҳомжон Раззоқовлар унинг уйига келишади: ниятлари — сингилларининг кўч-кўронини олиб кетиш эди. Аммо бунга С.Умаров қаршилик қилади. Оқибатда улар ёқаллашиб кетишади. Натижада Исомжон ва Илҳомжон шовқин-сурон кўтариб, қўни-қўшниларнинг тинчини бузишади. С.Умаровни ҳақорат қилиб, майда безорилик содир этишади. Шу босис ака-укага нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилади.

Албатта, қайд этилган ҳар икки ҳолат ҳам жиноят ишлари бўйича Риштон туман судида қўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли жазога қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасида “Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин” дея белгиланган. Бинобарин, суд ҳуқуқбузар Д.Бегматовнинг қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, Ҳ.Бозорбоевнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, уни кечирганлиги, айбига иқдорлиги, қилган ишдан пушаймонлиги, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, маъмурий жавобгарликдан озод қилди.

Хулоса ўрнида бир мулоҳазани баён этсак. Баъзи юртдошларимиз жаҳл устида бир-бирлари билан тортишиб, тилларига эрк бериб юборишади. Ваҳоланки, инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзга инсонга тили билан озор беришга, айниқса, бировнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиб, ҳақорат қилишга ҳақли эмас. Бунинг учун амалдаги қонунларимизда тегишли жавобгарлик белгилаб қўйилган. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ,

жиноят ишлари бўйича
Риштон тумани суди тергов судьяси

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигиде 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икром МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМатов
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмаҳонасида офсет усулида босилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота

кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.

Сотувда эркин нархда. Адади: 3136

1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 21⁴⁵.